

ТУРКИСТОН ЎЛКА МУСУЛМОНЛАРИНИНГ ТҮРТИНЧИ ФАВКУЛОДДА КУРУЛТОЙИДА ТУРКИСТОН (КЎКОН) МУХТОРИЯТИНИНГ ЭЪЛОН КИЛИНИШИ

Наманганлик иктидорли тарихчи олим, тарих фанлари номзоди мархум Йўлчи Косимов Ўзбекистоннинг асл тарихини ёзиб, юзага чиқариш борасида кўп фидойилик кўрсатган захматкаш зиёлилардан эди. Унинг «Кора кўзойнак билан ёзилган тарих» китоби маҳаллий нашриётда оз нусхада нашр этилгани боис ўқувчиларнинг кенг катламига етиб бормади. Шуни назарда тутиб, китобнинг Туркистон («Кўкон») мухторияти тарихига бағишланган бобини журналимиз ўқувчиларига такдим этишга қарор қилдик.

РСФСР Миллатлар иши Халк Комиссари И. В. Сталин ва Халк Комиссарлар Советининг раиси В. И. Ленинларнинг имзоси билан иккита тарихий ҳужжат эълон қилинди: «Россия халклари ҳуқуқлари Декларацияси» (1917 йил 2/15 ноябрь) ва «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига Мурожаатнома»си (1917 йил 3 декабрь). Ана шу Мурожаатномада, жумладан, шундай дейилган эди: «Сизнинг дин ва урф-одатларингиз, Сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз бундан буён эркин ва дахлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан ва баҳузур тузаберингиз. Шундай қилишга ҳақлисиз. Билингизки, Сизнинг ҳуқуқингиз ҳам инқилоб ва унинг органлари бўлган Ишчи, аскар ва дехкон депутатлари Советларининг бутун кудрати билан ҳимоя қилинади... Ўз мамлакатингизга ўзингиз хўжайин бўлмогингиз керак. Ўз турмушингизни кўнгилдагидек ва ўз хоҳишингизга мувофиқ қилиб ўзингиз тузмогингиз лозим. Сиз шундай қилишга ҳақлидирсиз. Чунки сизнинг тақдирингиз ўз қўлингизда...» (В. И. Ленин. Ўрта Осиё ва Козогистон тўғрисида. Тошкент, Ўздавнашр, 1957, 71-72-бетлар). Декларацияда эса жумладан шундай дейилган эди: «Халк Комиссарлар Совети қарор қилади... 2. Россия халқларининг ўз тақдирларини ўзлари эркинлик билан белгилашлари ва ҳаттоки, ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузиш ҳуқуқини бериш. 3. Ҳамма ва ҳар қандай миллий имтиёз ва чеклашларни ва миллий-маданий имтиёз ва чеклашларни бекор қилиш» (Ўша китоб, 68-бет).

Ана шу ҳужжатлар эълон қилинган вақтда Тошкентда Ф. Колесов раҳбарлик қилаётган ҳукумат шаҳар думаларини тарқатиб юбориш ва миллий кадрларга нисбатан шовинистик сиёсатни авж олдириш каби ўта нотўғри ва кўпол сиёсатни амалга оширмакда эди. Иккиюзламачи большевик Ф. Колесов Туркистон ўлкаси Советларининг учинчи қурултойи номидан В. И. Ленинга, Халк Комиссарлари Совети номига юборган телеграммасида Туркистон Халк Комиссарлар Совети: «Сизнинг барча декретларингизни ҳаётга тадбиқ этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган», деб тилёгламалик қилган эди. Аммо минг надоматларким, бу ёлгончи ва шўролар мустамлакачиси ўз ваъдаларининг тесқарисини қилди. Ва ҳатто, у ўзи имзо чеккан ҳукумат ҳужжатларида ҳам ана шу юқорида кўрсатилган марказий ҳукумат кўрсатмаларини ҳам ва лоақал, ҳужжатларнинг номини ҳам қайд қилиб ўтмади.

1917 йилнинг 26-29 ноябри кунлари Кўкон шаҳридаги «Шўройи исломия» ташкилотининг

қароргоҳида Туркистон Ўлка мусулмонларининг фавқулдда тўртинчи қурултойи бўлиб ўтди. Эслатиб ўтайлик, 1917 йил ёзида бошқа сиёсий партиялар қаторида «Шўройи исломия»чилар Тошкентдан қувилган эди. Шунинг учун «Шўройи исломия» ва «Шўройи уламо» жамиятлари аъзолари Қўкон шаҳридан бошпана топган эдилар. Чунки Қўкон шаҳри собиқ хонлиқининг маркази бўлиб, унда шу вақтларда 50 минг-дан ортиқ аҳоли яшар эди. Қирқ мадраса, 382 та масжид бўлиб, уларда олти мингга яқин диний хизматчи бўлган. Айни вақтда шаҳарда ўн битта йирик халқаро банклар ҳам иш қўрган (қаралсин: Шомағдиев Ш. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. Ташкент, Изд-во АН УзССР, 1961, стр. 36. Қўкон тарих-ўлкашунослик музейи фонди материаллари).

Қурултой қақирлиши олдида турли жойларга таклифномалар тарқатилган эди. Аммо бу вақтда ўлка маркази Тошкентда почта-телеграф ходимларининг иш ташлашлари давом этаётганлиги туфайли вақилларга таклифлар (мандат) қроғлари ўз вақтида етиб бормади.

25 ноябрь қуни қечқурун съезд олди ташқилий йигилиши бўлиб ўтган. «Туркистон ахбороти» рўзномасининг хабар беришича, 1917 йил 26 ноябрь қуни Ўлка Мусулмонлар Шўросининг раиси ва Қурултойни ўтқазиш ташқилий хайъатининг аъзоси Мустафо Чўқаев қурултойни очган. Биринчи бўлиб мандат (шаҳодат) хайъатининг аъзоси Норбўтабековнинг қурултойга қелганларнинг тарқиб ва сони хусусидаги ахбороти эшитилади. Унинг ахборотида қўра, қурултойга Фарғона вилоятидан – 150 киши, Сирдарё вилоятидан – 22 киши, Самарқанд вилоятидан – 21 киши, Қаспийорти (Зақаспий)дан – 7 киши, Бухородан – 4 киши қелганлиги маълум қилинди. Қурултойнинг охирига бориб вақилларнинг сони 250 га етган. Қурултойга вақиллардан ташқари «Шўройи уламо», Мусулмон аскарлар Қенгаши, Ўлка яҳудий ташқилоти, Бухоро яҳудийлари, Қасаба уюшмалари ва бошқа ташқилотлардан ҳам вақиллар қатнашган.

Қурултойда хайъат аъзолари сайлови анча мунозарали ўтган. Махмудхўжа Бехбудий хайъат аъзолари тарқибга мусулмон бўлмаган (номусулмон) гурухларнинг вақилларидан ҳам сайлашни таклиф этди. Қўқонлик вақил А. Махмудовнинг таклифига биноан ўн уч қи-шидан иборат қурултой ишининг раёсати (президиуми) сайланди. Улар орасида М. Чўқаев, У. Хўжаев, Ю. Огаев (Юргули Огаев), Ақаев, Гернфельд (Герцфельд), А. Махмудов, Шоахмедов, Қишқинбоев, Абдул Бадин, Қамол қози, Ўразаев, Тиллаев, Қаримбоевлар бор эди. М. Чўқаевнинг таклифига биноан бухоролик (самарқандлик) вақил, таниқли арбоб Махмудхўжа Бехбудий ҳам хайъат тарқибга қиритилди. Бу таклифни мажлис ақли олқишлар билан қарши олди.

Қурултойнинг қун тарқиб тасдиқланди. Қун тарқибдаги масалалар орасида қуйидагилар бор эди:

1. Ўлқаниннг бошқарув шакли ҳақида.
2. Туркистон Мухториятини тузиш тўғрисида.
3. Туркистон Мусулмонлар Қенгашини қайта сайлаш ҳақида.
4. Туркистон Таъсис мажлисини ўтқазиш.
5. Туркистоннинг «Қазак қўшинлари, тоғли Қавқаз ва эркин саҳройи халқлар жануби-шарқий Иттифоқида» аъзо бўлиши ҳақида.
6. Халқ милициясини тузиш.
7. Молиявий ишлар ва бошқа масалалар.

Изох: 5-пунктда кўзда тутилган иттифок 1917 йил 20 октябрда тузилган эди. Унга кўра казак аскарлари, Кавказнинг тоғли халклари ва чўлларнинг эркин миллатларидан ташкил топган бўлиб, Россияни халкчил федератив жумхуриятга айлантириш мақсадида вужудга келган («Свободный Самарканд», 6.XII.1917). Шартномада Туркистонга бугдой етказиб бериш ва ва бошка товар айрибошлаш масалалари ҳам бор эди. Бу эса Туркистонга яқинлашиб келаётган очарчиликни даф қилишда муҳим стратегик аҳамиятга эга эди.

Кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилишда Туркистонни «Шаркий-жанубий иттифокка» кириши масаласи бирмунча мунозарали бўлган. Атаман Дутовнинг вакили олиб келган шартнома лойиҳасига айрим вакиллар қарши чиқдилар. Улар тузилажак Туркистон Мухториятининг ана шу шартномага кирмаслигини ёқладилар. Шунга қарамасдан шартнома қабул қилинди. («Вакт», 1917 йил 2 декабрь). Уч кун давом этган курултойда жуда кизгин мунозара ва тортишувлар бўлган. Тошкент Шўролар ҳукуматидан вакил бўлиб келган П. Г. Полторацкий курултойда нутқ сўзлади. У ўз нутқида тузилажак Мухториятга қарши чиқди ва қарши гапирди. Унинг нутқи курултой катнашчиларининг бирортасига ҳам таъсир этмади.

27 ноябрдан 28 ноябрга ўтар кечаси Туркистон Умуммуслмонлар курултойининг қарори ўқиб эшиттирилди. Қарорда, жумладан шундай дейилган эди: «Курултой Туркистонда яшовчи миллатларнинг иродасини ифодалаб, Улуг Русия инқилоби ваъда этган ўз тақдирини ўзи хал этиш негизида, Федератив демократик Русия жумхурияти асоси узра, Туркистонни территория жихатдан мухторият шаклида белгилашни топширди», «Туркистонда яшовчи миллий озчилик ҳуқуқлари ҳар томонлама муҳофаза этилади».

Курултойда давлат тузилмаси масаласи муҳокама этилиб, унда Туркистон Мухторияти деб белгилашга қелишиб олинган эди. Курултойнинг 20 ноябрь кунги мажлисида Туркистон Мухторияти эълон қилинди. Таъсис Мажлиси чақирилишига қадар бутун ҳокимиятни Туркистон Вактли Кенгаши ва Туркистон Халқ Бошқаруви кўлида бўлади, деб қарор қилинди. Туркистон Муваққат Шўроси – Туркистон Республикасининг таркиби тузилиб, унинг аъзолигига 34 киши сайланди. Кенгаш илгари Туркистондан Бутунроссия Таъсис мажлисига юборилган вакиллар сонига қараб белгиланди.

Туркистон Мухторияти ҳукумати таркибига – миллат мажлисига 54 киши сайланди. Сайланганлардан учдан бир қисми оврўполик вакилларга ажратилди. «Хуррият» рўзномасининг 1917 йил 1 ва 5 декабрь сонларида қарор матни, ҳукумат таркиби ва умуман курултой ҳақидаги ахборот эълон қилинган.

Сайланганларнинг 36 нафари муслмон ва 18 нафари гайри-муслмонлардан (оврўполиклар умумий аҳолининг 7 фоизини ташкил этган) сайланган. Булар орасида муслмонлардан М. Бехбудий (Бухоро), У. Хўжаев, Носирхон тўра, Абдуқодирбек Қўшбеғиев, И. Шоаҳмедов, Х. Юргули-Огаев, А. Маҳмудов, Ашурхўжа, Д. Қорабеков, А. Ўразаев, М. Мирзааҳмедов (Фаргона), Муҳаммад Тинишбоев, И. Давлетшин (Еттисув), Ўроз Сардор (Туркменистон), Мустафо Чўқаев (Қозғистон) Ш. Лапин, С. Бойсаидов, Т. Норбўтабеков, С. Миржалилов, И. Губайдуллин, К. Хожинов, С. Шарифхўжаев (Сирдарё), А. Абдусалимов, С. Герцфельд, А. Дербисолин, М. Окчурин, Мансуров

(Самарканд). Л. Ширинский, Ф. Мусабоев, О. Шокирхонтўраев, К. Рахмонбердиев, А. Умаров, С. Юсупов (Каспий бўйидан) ва бошқалар.

Мана шу ўн саккиз ўрин ичида социал-демократлар, дашноқцутюн (арман), эсэрлар, украин, поляк, яхудий (махаллий ва оврўполи), темир йўлчилар иттифоки каби сиёсий партиялар ва бошқа ташкилотларнинг ҳам вакиллари бор эдилар. Шунингдек, улар орасида Намангон, Андижон, Скобелев (Фаргона), Тошкент каби шаҳарлардан келган вакиллар ҳам бор эди. Оврўполиклар ичида Потеляхов, Вадьяев, Герцфильдлардан ташқари ҳукумат ичида адвокат Ненсберг, Тиц (Андижон) кабилар ҳам иштирок этдилар.

Туркистон Мухторияти Муваккат Миллат мажлисига (парламентга) танланган ана шу ва бошқа кишилар иштирокида Туркистон Муваккат ҳукумати тасдиқланди ва у қуйидагича тузилди:

1. **Мухаммадjon Тинишбоев** – ҳукумат раиси (нозир) ва Ички ишлар нозири (У «Олош Ўрда» (козок) партиясининг раҳбари, Иккинчи Давлат думасининг аъзоси, Туркистон темир йўл инженерлари кўмитасининг аъзоси, касби инженер);
 2. **Ислом Султон Шоахмедов** – раис ўринбосари (Умуммуслмонлар Кенгашининг аъзоси, Думадаги доимий ишончли вакил, касби адвокат);
 3. **Мустафо Чўкаев** – Ташки ишлар нозири (Муваккат ҳукуматнинг Туркистон Кўмитаси аъзоси, Ўлка Муслмонлар Кенгашининг раиси, касби юрист, адвокат);
 4. **Убайдулла Хўжаев** – Халқ милицияси ва Хавфсизлик нозири (Умумрусия Муслмонлар Кенгаши Марказий Кўмитасининг аъзоси, касби юрист, адвокат);
 5. **Хидоятбек Юргули-Огаев** – Ер ва сув ишлари нозири (касби агроном-олим);
 6. **Обиджон Махмудов** – Озик-овқат ишлари нозири (Кўкон шаҳар думаси раисининг ўринбосари);
 7. **Соломон Герцфильд** – Молия нозири;
 8. **А. Махмудов** – Адлия (юстиция) нозири;
 9. **Чанишев** (полковник) – Харбий муҳофаа нозири, Бош кўмондон;
 10. **Саидносир Миржалилов** – Ҳазина Ишлари Нозири ва бошқалар.
- (Қаралсин: «Туркестанский вестник», 1917 йил 6 декабрь).

Туркистон муслмонларининг тўртинчи фавқулдда қурултойи ўз йигилишининг охири босқичида, яъни 29 ноябрда Муваккат Миллат мажлиси ва Муваккат ҳукумат аъзоларининг муҳофазаси ва дахлсиздиги ҳақида қарор қабул қилди. Қарорда шундай дейилган: «Булардан ҳар бирига қарши зўравонлик бутун ўн миллионли Туркистон халқига қарши таҳқир деб билинади». Қурултой катнашчилари болшевиклар томонидан тузилган Тошкент кизил ҳукуматининг (ҳибсга олишлари, тинтув ўтказишлари ва х. з.) нотўғри хатти-ҳаракатларини қоралаб қарор қабул қилди ва ҳибсга олинган кишиларни озод этишни талаб қилди.

Қурултой сўнгида Бутун Туркистон фуқароларига, сиёсий партияларига, ташкилот, муассаса ва ҳаракатларга қарата уларни аҳиллик, ҳамкорлик, бирдамликка чақирувчи Мурожаат қабул қилинди. Мурожаатда жумладан шундай дейилган: «Занжирлардан бўшагон Туркистон ўз ерининг ҳокими ва ўз тарихининг яратувчисига айланадиган вақт келди!» (қаралсин: «Свободный Самарканд», 6 декабрь 1917 г.).

Туркистон Республикаси Мухтор парламенти эълон килинган, бутун мусулмонлар олами уни севинч ва кўтаринкилик рухи билан карши олди. Жойларда уни кўллаб-қувватлашга бағишланган митинглар, йигилиш ва намойишлар бошланиб кетди. Бу ҳаракатлар шўровий тарихчилар ёзишганидек, норозилик кайфиятидаги чиқишлар эмас, балки унинг тескариси бўлган. Тарихий фактларга мурожаат қилайлик.

Илгари Мухторият гоёларига карши турган рўзномалар, масалан, «Курьер», «Туркестанское слово» ва бошқалар энди ўз муносабатларини тубдан ўзгартириб, мусулмонларни ўз ҳокимиятларини химоя қилишга даъват этдилар. «Свободный Самарканд» рўзномасида С. Никифоров эълон қилган мақолада: «Давримиз учун муҳим бўлган қурултой қарорлари ушбу чекка миллий ўлканинг ҳаётида янги саҳифа очилганлигини аңглатади», деб ёзган (қаралсин: ўша газета, 1917 йил 7 декабрь).

30 ноябрь куни Кўконда мусулмон меҳнатқашларининг кўпминг кишилик намойиши бўлган. Унда мусулмон ҳукуматини химоя қилишга қаратилган қасамёд қилинган. «Туркестанский вестник» рўзномасининг хабар беришича, Тошкентнинг Жомеъ масжидида жуда катта митинг бўлган. Унда «Нотиклар ҳаяжон ва кўзларида ёш ила янги ҳаёт бошланиши ҳақида сўзлаганлар» (қаралсин, ўша рўзнома 1917 йил 8 декабрь). Митинг иштирокчилари Мухториятга ёрдам бериш учун жамгарма йигишга ҳам қарор қилдилар. Митингда Мухторият ҳукумати раҳбариятининг имзоси билан эълон қилинган Мурожаат ўқиб эшиттирилганда ҳамма йиглаган.

«Туркестанские ведомости» рўзномасида Сталин-Ленин имзолаган «Русия ва Шарқнинг мусулмон меҳнатқашларига хитобнома» эълон қилинди. Худди шу кунларда Тошкент Шўролар ҳукуматининг раҳбари Ф. Колесовнинг фармонида биноан Тошкент шаҳар думаси тарқатиб юборилди. 6 декабрь куни бундан норози бўлганларнинг Тошкентда митинги ўтказилди. Митингда Туркистон Мухториятининг Муваққат ҳукуматини кўллаб-қувватлашга қаратилган қарор қабул қилинди. Унда шундай дейилган: «Комиссар Колесовнинг шаҳар думасини тарқатиш ҳақидаги буйругини тинглаб, йигилиш бир овоздан мазкур гайриконуний буйруққа қарши қизгин эътироз билдиради. Модомики, шаҳар думаси умумий, тенг, бевосита ва махфий овоз бериш йўли билан сайланган бўлиб, Тошкент шаҳрида яққа-яғона халқчил, демократик ташкилот ҳамда 300 минглик шаҳар нуфусининг хоши-иродасини асл ифода эта билувчи муассасадир. Дума аъзоларига ўз ишларини давом эттириб, уларни сайлаган халқ химояси ва муҳофазаси остига ўзларини топширишни белгилайдилар» (Туркестанский вестник», 8 декабрь 1917 г.).

Тошкент шаҳар думасининг охириги ёпилиш йигилишида депутат Ибнъямин Ёнбоев сўз олиб шундай деган: «Хозирги ҳокимиятнинг (ран Колесов раҳбарлик қилаётган Кизил ҳукумат устида бораётир – Й. К) тан олинган демократлиги дарғумон. Ушбу ҳокимият мусулмонлар номидан гапириши кип-қизил ёлгон... Мазкур ҳокимиятнинг асл қучи тўп ва пулемётлардир. Лекин биз, мусулмонлар бу қучдан кўркмаймиз. Бизда ўзга қуч мавжуддирки, бу қуч руҳимиздир. Тарих ушбу сохта ҳокимиятнинг амалини қоралайдиган вақт, албатта келажак!» («Туркестанский вестник», 9 декабрь 1917 г.)

Раҳмат Сизга Ибнъямин бобо! Худо раҳматиға олган бўлсин руҳингизни! Сиз бундан 75

Йил мукаддам бугунги дориломон кунларимизга – Мустакиллик кунимизга тирик етиб кела олмадингиз. Аммо Сиз бу кунларни олдиндан кўра билгансиз. Тарих ва давр тақозоси билан бугун биз Колесов ҳукуматининг жирканч моҳияти ва максadini очиб ташловчи фактларга мурожаат килиб, Сиз кўрган ва биз хужжатлар оркали таниш хокимиятнинг мусулмонларга – туб туркистонлик аҳолига нисбатан амалга оширган қора ишлари ва ниятларини ўрганишга муяссар бўлаётимиз. Бу ҳақдаги тарихий ҳақиқатни ҳаммамиз билишимиз шарт, азиз ватандошлар!

(Давоми бор)

“Хилол” электрон журналидан